Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 2 июнь ШАНБА

№ 43 (12.471)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қуролли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республика олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўзгартирилиб, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига кириш учун берилган тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб, уч йил мобайнида амал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, аммо улар учун имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентларнинг республикадаги бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисидаги аризалари, тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2012 йилнинг 10 июлигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни, ушбу қарорнинг 1-бандида баён этилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республиканинг олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар бериш чоғида тегишли тартиб ўрнатилишi учун шахсан жавобгар эканликлари, тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилишини назарда тутишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. А. Муҳитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 31 май.

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2012 йил 4 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2012 йил 5-6 июнь кунлари расмий ташриф билан Хитойда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашув ва музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари 6-7 июнь кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги Саммити ишида иштирок этади.

ҚЎШМА МАЖЛИС

**Бозорлар – юрт фаровонлиги кўзгуси. Мустақиллик йилларида улар замонавий қиёфага келтирилди, кенгайтирилди ва янгилари барпо этилди. Вилоятимизда 17 та деҳқон, 4 та мол бозорлари ва 17 та савдо мажмуаси ишлаяпти. Уларда савдо-сотиқ тартибга солинаяпти, қонунларга риоя этилиши назорат қилинмоқда.**





## ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Чунончи, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамкорликда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат томонидан назорат қилиниши тўғрисида"ги Қонуннинг вилоят бозорлари ва савдо мажмуаларидаги ижросини ўрганиб чиқди.

Кеча бўлиб ўтган қўшма мажлисда ушбу текширувлар натижаси муҳокама қилинди. Унда Сенат қўмитаси аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, маҳаллий ижро этувчи ва бошқарув ҳокимияти идоралари раҳбарлари, олимлар ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Қўшма мажлисни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси – вилоят ҳокими Рустам Холматов ва Сенат Қўмитаси раиси Абдурашид Алтиев кириш сўзлари билан очишди.

Таъкидландики, кейинги бир йилда бозорлар ва савдо мажмуаларининг умумий даромади 1,5 баробар кўпайиб, 13,5 миллиард сўмга етди. Маҳаллий бюджетга тўловлар эса 19 фоиз ошди. Ўтган йили соф фойда 1,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Назорат қилувчи идораларнинг сўнгги икки йиллик текширувларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўтган йилги назорат жараёнларида 749 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 3,3, шу жумладан, 1,5 миллиард сўмлик импорт товарлари ашёвий далил сифатида олинди. 84 та текширув якунлари бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Муҳокама давомида бошқа камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Чунончи, тадбиркорлик субъектларининг 55 фоизи текширувларни рўйхатга олиш китоби билан таъминланмаган. Тўлов терминаллари ҳам яримёрти ўрнатилган. 316 та турғун савдо шахобчасида назорат-касса машиналаридан фойдаланилмаётир, 671 тасида тўлов терминаллари йўқ. Бозорларнинг санитария ҳолати талаб даражасида эмас.

Бозор ва мажмуалар маъмуриятлари баъзи ҳолларда солиқ тўловларини ҳисоб-китоб қилишни унутиб қўймоқдалар. Ангрен шаҳар деҳқон бозорида вилоят солиқ идораси ходимлари ўтказган текшириш чоғида солиқ ва мажбурий тўловлар 1 миллиард 307,6 миллион сўм кам ҳисоблангани аниқланди. Умуман, тегишли молиявий жарималар билан бирга бюджетдан 2 миллиард 635 миллион сўмдан зиёд қарздорлик вужудга келган.

Савдони ташкил этиш, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги нуқсонларни бартараф этиш чоралари белгиланмаган. Бозор ва савдо мажмуалари фаолиятини такомиллаштириш, зарур савдо муҳитини яратиш, хизмат маданиятини ошириш масалаларига етарли эътибор берилмаётир.

Қўшма мажлис бир қатор раҳбарларнинг текширишлар чоғида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларини тинглаб, тегишли қарор қабул қилди.

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигида жойларда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.**

## БОЛАЖОНЛАР ҲАМИША АРДОҚДА

Мазкур санага бағишланган махсус ҳафталик давомида хайрия акциялари, концерт дастурлари, кўргазма ва спектакллар намойиш этилаётир. Пойтахтдаги Япон боғида ўтказиладиган "Болалик шарафига" хайрия бали ҳамда бадиий гимнастика бўйича "Кичкинтой" ("Baby") халқаро турнири байрамона тадбирларга якун ясайди.

**"Туркистон-пресс".**

СЕМИНАР

## ҚИЗҒИН ФИКР ОЛИШУВ

**Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси вилоят ҳудудий бўлими "Давлат идоралари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишининг долзарб масалалари" мавзуида семинар-кенгаш ўтказди.**



Таъкидландики, вилоят ҳудудий бўлими 2012 йилнинг 1-чорагида 9 та давлат идораси, шу жумладан, 2 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг айрим йўналишлар бўйича фаолиятини ўрганиб, қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши, давлат идораларининг вазифа ва ваколатларини белгиловчи қонун ҳужжатларининг меъёр ва талабларини нотўғри талқин қилишга доир 300 дан ортиқ қонунбузилиш ҳамда бир қатор жиддий хато-камчиликларни аниқлади. Шу муддатда 47 фуқаро ва юридик шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилди. 25 та шикоят асосли деб топилиб, қаноатлантирилди, 15 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Ўрганиш ва мурожаатларни кўриб чиқишда аниқланган қонун бузилиш ва хато-камчиликлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида тегишли давлат идораларига нисбатан 20 дан ортиқ ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилди. Натижада 3 та ноқонуний қарор бекор қилинди, давлат идораларининг 10 масъул ходими интизомий жазога тортилди, бир қатор мансабдор шахслар камчилик ва нуқсонлар такрорланган тақдирда тегишли жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантирилди. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 15 та таклиф ишлаб чиқилди.

Семинар иштирокчилари давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва ўрмон хўжаликларида тегишли қонун ҳужжатларини қўллаш, ҳокимликлар фаолиятида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этилиши ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилишининг аҳволига доир маърузаларни тинглашди.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти, ҳуқуқ-назорат идоралари раҳбарлари ва масъул ходимлари, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари қатнашган семинар қизғин фикр алмашув вазиятида ўтди. Иштирокчилар бир қатор фойдали таклифларни илгари суришди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Пойтахтимизда 5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган Экоҳафталик ўз ишини бошлади.**

## АТРОФ-МУҲИТ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

31 майдан 5 июнга қадар давом этадиган ҳафталик Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда БМТнинг Ахборот Маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Экоҳафталик – 2012"нинг очилиш маросими экологик фильмлар ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган эколойиҳаларнинг ютуқлари кўргазмаси, шунингдек, экологик мавзудаги нашрлар тақдимоти билан бошланди.

**"Туркистон-пресс".**

БУЮК АЛЛОМАЛАР ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ҲАҚИДА

## МАЛОҲАТДУР ҲУСНИ ОДАМЗОТ

**Донишманд аждодларимиз бизга битмас-туганмас хазина қолдирди. Бу хазинани бир оғиз амри маъруф, яъни яхшиликка чорлов, наҳйи мункар – ёмонликдан қайтариш, дейиш мумкин. Юсуф хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг"ини варақлайсизми ёхуд Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат"инини, Шайх Саъдийнинг "Гулистон"и ёки Мир Алишер Навоийнинг "Маҳбуб-ул қулуб"ига назар соласизми, Сўфи Оллоёр, Югнакий, Ибн Сино, Беруний, Абдулла Авлоний сингари дониш аҳлининг шоҳ асарларини кўздан кечирасизми – барибарида насли башарнинг маънавий камолоти, руҳий қуввати, бу фоний дунёдаги яхшилик ила ўтган боқий умри борасида ёниқ ва дурдона сатрларга дуч келасиз. Алломаларнинг маънилар қаймоғи билан йўғрилган панду насиҳатлари, васиятлари, ўгитлари қалбингизни нурлантириб, шуурингизни тозартиради, сен – инсонсан, инсон каби яша, деган азалий ҳукмни қайта ёдингизга солади.**

Туркий тилимиз ва адабиётимизнинг бобокалонларидан бири Юсуф Хос Ҳожиб биринчилардан бўлиб, инсон фарзандининг Ахлоқий Қомусини яратди. Ул зоти шариф 1069 йилда битган "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асари ана шундай қомуснинг мукаммал намунасидир. Юсуф хос Ҳожиб маънавий камолотга эришмоқчи бўлган кишиларни авваламбор илм, ҳунар эгаллашга чорлайди:

*Билимни буюк бил,*
*уқувни улуғ,*
*Бу икков жиловни*
*қўймаган – қутлуғ.*
*Билимсиз барчаси*
*дардмандир, дардманд,*
*Бу дард давосига*
*билим ҳунарманд.*
*Дардингга даво қил,*
*билимсиз дўстим,*
*Магар билимсизсан,*
*нимага ўсдинг?*

Жаҳон фанининг дарғаларидан Абу Райҳон Беруний эса, гўё маслакдоши Юсуф Хос Ҳожибни қувватлагандек, дейди:

– Донишманд ва олимлар хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни тиргизади, ёмонини йўқ қилади.

– Асоси бўлмаган фандан воз кечса ҳам бўлади.

– Билим – ўқиш ва такрорлаш меваси.

– Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

Илмли, ҳунарли бўлишнинг зиёдалиги, жаҳолатнинг касофати, орифликнинг шарофати тўғрисида Ибн Сино, Форобий, Улуғбек сингари алломалар ҳам қайта-қайта огоҳлантирган.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

СЕМИНАР

# ТЕЖАГАНЛАР РАҒБАТГА ЛОЙИҚ

**"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими "Кучлик нефть базаси" унитар корхонаси ёқилғи тарқатиш шахобчалари ва фермер хўжалиги раҳбарлари иштирокида агротехник тадбирлар жараёнида ёқилғилардан оқилона фойдаланиш, уларни тўғри ишлатиш ва тежаш масалаларига бағишланган семинар ташкил этди.**

Тадбирда таъкидланганидек, ҳозир экинларга ишлов бериш, минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдириш айни қизиган пайт. Ёқилғи-мойлаш ашёлари ва эҳтиёт қисмлар вақтида етказиб берилса, техникалар узлуксиз ва унумли ишлайди. Ёнилғини ишлатишнинг эса ўзига хос талаб ва харажатлари бор.

– Техника қанчалик носоз бўлса, ёқилғи шунча ортиқча сарф бўлади, – деди "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими бош технологи Рауф Комилжонов. – Ҳозир фермер хўжаликларида культивация ва суспензия сепиш авжида. Бундай агротехник тадбирлар учун ёқилғи сарфлашнинг белгиланган меъёрлари бор. Масалан, соз техникада культивация қилиш учун гектарига 5,7 килограмм, суспензиялашга 1,3 килограмм, ерни чуқур юмшатишга 3,7 килограмм ёқилғи сарфлаш лозим.

Ёқилғи ортиқча сарфланишининг асосий сабабларидан бири техникаларнинг ҳар куни ёқилғи тарқатиш шахобчаларига келиб-кетишидир. Агар 2-3 кунга мўлжалланган ёқилғи бевосита далаларга етказиб берилса, исрофгарчилик бўлмайди ва техникаларнинг бекорга вақт йўқотишига ҳам чек қўйилади. Бунинг учун ёқилғи тарқатиш шахобчаларида техник-метрологик ҳолатларга эътибор қаратиш ва маҳсулотларни вақтида ва белгиланган миқдорда етказиб бериш керак.

Ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш тартиб-қоидаларига риоя қилмаслик ҳам исрофгарчиликларга сабаб бўлади. Дизель ёқилғиси ва техник мойларни далага тўғридан-тўғри етказиб беришда махсус транспортлардан фойдаланиш шарт. Шу билан бирга шахобчаларда ёқилғиларни ҳар хил ностандарт идишларга қуйиб беришга йўл қўймаслик лозим.

– Ёқилғини тежаш аввало фермерлар учун фойдали, – деди пировардида Рауф Комилжонов. – Бунинг учун улар агротехник тадбир талабларини бузмай, техникаларини доимо соз ҳолда сақлаётган механизаторларни рағбатлантиришлари, аксинча, носоз техникада ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини исроф қилаётганларга эса тегишли чора кўришлари керак. Шунда "менга нима" қабилида иш тутадиган айрим механизаторлар ҳам тартибга тушиб қолишади.

Семинар сўнгида фермер хўжаликлари вакилларига нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сарфлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилишга оид қўлланмалар тарқатилди.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**

**Бекобод тумани педагогика касб-ҳунар коллежида Мустаҳкам оила йили муносабати билан Юртбошимизнинг хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони ижроси доирасидаги маслаҳатчиларнинг намунавий низомига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**Суҳбатни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошқарди.**

## МАСЛАҲАТЧИЛАР УЧУН МАСЛАҲАТ

Тадбирда фуқаролар йиғини раислари, фаоллари, хусусан 45 маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-тарғибот ишлари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди. Маслаҳатчининг маҳалла ҳаётидаги ўрни ва роли, ёшлар тарбияси, хусусан мактаб битирувчиларини коллежларга, коллеж ва лицейни тугатаётган ёшларни ўқишни давом эттиришлари ёки иш билан таъминлаш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришда аёллар ва оналарнинг масъулияти ҳақида сўз борди. "Парчаюз", "Қўштамғали", "Тақачи" ва "Истиқлол" маҳалла маслаҳатчилари фаолияти ўрганилиб, бошқаларга намуна сифатида тавсия этилди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

БУ ҲАҚДА СЕССИЯДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

# ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАШГА ИМКОН БЕРИЛДИ

**Инсон доимо ҳаракатда, изланишда. Баъзан, хато қилиб, билмай жиноят содир этиши ҳам мумкин. Адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган, қилмишларидан афсусда бўлган кишиларни кечириш, уларни тўғри йўлга солиш эса инсоний фазилатдир.**

Бундай адашганларга енгиллик бериш, ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишлари учун имконият яратиш, кечиримли бўлиш ва инсонпарварлик тамойилларига таяниб иш кўрилаётгани ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилига айланмоқда. Республика Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди. Қарорнинг вилоятимиздаги ижроси, ҳамкор ташкилотлар амалга ошираётган ишлар хусусида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Маҳамадали Исмоилов қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Аввало қарорнинг моҳияти хусусида шуни таъкидлаш жоизки, амнистия имконияти жиноятчиларни шунчаки, кечириш ёхуд уларни қамоқдан озод қилиш учун берилмайди. Улар қамоқхона билан эркин ҳаёт ўртасидаги тафовутни теран ҳис қилгач, ўз қилмишларининг оқибатини англаб етгач, шундай енгилликка эга бўлади.

Амнистия тўғрисидаги қарор жиноят кўчасига билиб-билмай кириб қолган кишиларга ўз ҳаёт йўлларини яна бир бор тўғри белгилаб олишлари учун бериладиган имконият деб биламан. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларига аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Вилоят ҳокимлигининг ижтимоий мослашув маркази, хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари билан ҳамкорликда тегишли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ички ишлар идоралари, жазони ижро этишни назорат қилиш инспекцияси ҳисобида турган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга хукм қилинганларнинг 2624 нафарига амнистия қўлланилиб, муддатидан илгари озод қилинди. Бундан ташқари, вилоятимизда доимий яшовчи 307 шахс жазони ижро этиш муассасаларидан оилалари бағрига қайтди. Уларга туман ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказлари 108 миллион 771 минг сўм моддий ёрдам берди. Шунингдек, қайта жиноят содир этишларининг олдини олиш мақсадида суҳбатлар ўтказилди. Профилактика тарзида ҳисобга олинганларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун йўлланмалар берилди. Касаллиги аниқланган шахслар даволаниш учун шифохоналарга ётқизилди.

Шу кунгача озодликка чиққанларнинг 234 нафари меҳнатга лаёқатли деб топилиб, корхона ва ташкилотлар, хусусий фирма ва фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди. Беш нафари ўқув муассасаларига юборилди.

Афсуски, берилаётган имкониятлардан тўғри хулоса чиқармай, яна жиноят йўлини танлаётганлар ҳам учрамоқда. Жумладан, ангренлик Вячеслав Герашенко шу йил 1 март куни Дукентда яшовчи Р. Жумаевнинг уйига рўзғор буюмларини ўғирлаш мақсадида кирганида шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари қўлга олиб, яна жиноят иши қўзғатилди.

Бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун амнистия тўғрисидаги қарорнинг ижроси Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Тегишли ташкилот ва муассасаларга топшириқлар берилди.

Шу ўринда бир мулоҳазани таъкидлашни истардим. Мамлакатимизда жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилган шахсларни назорат қилиш, ижтимоий ҳаётга қайтишларига кўмаклашиш нафақат ички ишлар идораларининг вазифаси, балки, бутун жамоатчиликнинг доимий ишига айланмоғи керак. Бу йўлда кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, назоратни янада кучайтириш, албатта, ўз самарасини беради.

**Суҳбатни Равшан РУСТАМОВ ёзиб олди.**

БОЛАЛАР ЁЗИ – 2012





# УЛАРНИ ФЕСТИВАЛЬ ВА ТАНЛОВЛАР, ҚУВНОҚ ЎЙИНЛАР КУТМОҚДА

**Касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят кенгаши мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олишига бағишланган семинар-кенгашни Бўстонлиқ туманидаги "Ҳумо" болалар соғломлаштириш лагерида ўтказди. Бу бежиз эмас. "Ҳумо" – вилоятимизнинг сўлим тоғ ён-бағирларида жойлашган энг йирик ва баҳаво лагерларидан бири.**

Тадбир иштирокчилари бўлган болалар соғломлаштириш лагерлари раҳбарлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ходимлари, санитария врачлари, ўт учирувчилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари болаларнинг лагерларда дам олишлари билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилдилар. Болалар уч ой давомида кўнгилдагидек ва бехавотир ҳордиқ чиқаришлари учун катталар жиддий тайёргарлик ишларини амалга оширганларини семинар иштирокчилари алоҳида таъкидладилар.



Бу йилги ёз мавсумида жами 45 та соғломлаштириш ҳамда ўрта умумтаълим мактабларида ташкил этиладиган 123 та ёзги лагерлар болаларга хизмат кўрсатади. Улар мавсумга ҳар томонлама пухта тайёрланиб, бадиий адабиётлар, спорт анжомлари ва тиббий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган.

Асосий эътибор маънавий-маърифий ва ўқув-тарбия ишларини оқилона ташкил этишга қаратилмоқда. Лагерлардаги мавсумий хизматга юқори малакали педагоглар танлов асосида саралаб олинган. Улар болалар билан ишлаш бўйича кўп йиллик бой тажрибага эгалар, ўз зиммаларига юкланган вазифанинг моҳият ва масъулиятини яхши англайдилар ва ишларига ижодий ёндашишга қодирлар.

Хуллас, лагерларга ташриф буюрувчи ўғил-қизлар бу ерда зерикиш билмай, ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқарадилар. Турли фестиваль ва кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувлар, спорт-соғломлаштириш мусобақалари, бошқа кўнгилочар тадбирлар уюштирилади. Болажонларнинг олимлар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлари маънавиятлари юксалишига, дунёқарашлари кенгайишига хизмат қилади. Маънавий тарбияга қаратилган ижтимоий акциялар болаларни менталитетимизга ёт зарарли ғоялар, "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоялашга ёрдам беради. Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг музей, маданият ва истироҳат боғларига, табиатнинг бетакрор гўзал қўйнига, меъморий ёдгорликларга саёҳатлари ёш авлод қалбида табиат ва жонажон ўлкамизга бўлган муҳаббатни янада кучайтириши шубҳасиз.

– Бундай семинарлар болалар ёзини соз ўтказишга тайёргарликни янада кучайтиради, – дейди "Ҳумо" директори Нафиса Шораҳимова. – Бир сменада лагеримизда 384 ўқувчи дам олиб, саломатлигини тиклайди. Мавсум давомида эса, 1152 болажон ҳордиқ чиқариб, жонажон мактаблари қучоғига янги куч ва иштиёқ билан қайтади. Ахборот-ресурс маркази, компьютер синфи, тренажёр зали, спорт майдонлари, чўмилиш ҳавзалари улар ихтиёрида бўлади. Лагер ҳудуди мевали боғларга бурканган. Салқин ичимликларни боғимизнинг экологик тоза меваларидан ўз қўлимиз билан тайёрлаймиз.

Кўплаб фирмалар лагерга ёрдам қўлини чўзди. Хусусан "Milk Evro Food" қўшма корхонаси етти хил сариёғ, "Milk Heaven biznes" МЧЖ фойдали сут маҳсулотлари, турли дори-дармон ва дезинфекция воситалари ишлаб чиқарувчи "Agro Bio Kimyo" МЧЖ ўз маҳсулотларини таклиф этди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАР

**"Қатағон қурбонлари хотираси" музейида "Тарихнинг номаълум саҳифалари" тўпламининг 3-китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

"Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи илмий жамоаси томонидан нашрга тайёрланган китоб мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланди. Унда Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даврида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида рўй берган, аммо тарихчи олимлар томонидан оз ёки умуман ўрганилмаган муҳим масалаларга оид ҳужжат ва материаллар илк бор эълон қилинган.

**"Туркистон-пресс".**

БУЮК АЛЛОМАЛАР ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ҲАҚИДА

# МАЛОҲАТДУР ҲУСНИ ОДАМЗОТ

Икки олам сирларини мутлақ эгаллаб, Ҳожаи жаҳон унвонига сазовор бўлган мутафаккир шоир, зукко файласуф Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг маънавий зурриётларига қолдирган васиятномасида мана бундай сатрлар бор: "Эй фарзанд, комил инсон бўлишга интил, илм эгаллашдан зерикма, дунёга ҳирс қўйма, Ватан севинчини кўзлаб яша, туққан юрт тупроғини кўзингга тўтиё айла, ҳар қадамингни ўйлаб бос, токи оқибатда пушаймонлиқ келмагай..."

Миллатимиз фахри, фидойи олим ва хассос шоир Абдулла Авлоний ёш авлодга атаб "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" деган асар ёзди. У бошдан-оёқ яхши хулқлар, ёмон хулқлар тафсирига, таҳлилига бағишланган. Домла Авлоний яхши хулқлар сирасига диёнат, поклик, қаноат, сабр, ҳалимлик, иффат, ҳаё, хайрихоҳлик, саховат сингари хислатларни киритади, уларнинг инсонга нечоғлик кўрк бағишлаб, руҳий камолот сари элтишини исботлайди.

Эл оғзида гўзал ривоят бор. Бир куни Ҳазрат Навоий кўчадан отлиқ ўтиб кетаётган эди. Ногаҳон йўл бўйида ўтирган ўсмир болага кўзи тушди. Ҳазрат отдан тушиб, болакайнинг қўлини олди. Сўнгра, "Бул нечук ҳол?" дея ён-верида ажабланиб турган мулозимларига боқиб, деди:

– Бул йигитча каминанинг устозига набира бўлади. Биз унга салом бериб, устоз хотирини шод айладик...

Даҳо шоирнинг бу хайрли амалини камтарлик ва хоксорликнинг юксак чўққиси, дейиш мумкин.

Ҳамонки, гап камтарлик, кичик феълликка етиб келган экан, бу мавзуда ҳам икки оғиз сўзлаш ўринли бўлар, дейман. Ҳақирлик ва манманлик, кибр ва тавозе, қўрслик ва ҳалимлик, аччиқ тил ва ширин такаллум... Насли башарга хос бу хислатлар улуғу авомни, каттаю кичикни, шоҳу гадони то ҳануз ўйлантириб келади. Бундан минг йил муқаддам авлиёлар сарвари пири Туркистоний Ҳожа Аҳмад Яссавий "Девони ҳикмат" китобида:

*Қул Ҳожа Аҳмад тоат қил.*
*Билмам, умринг неча йил.*
*Аслинг, билсанг оби гил,*
*Яна гилга кетаро!* – дейди.

Яъни, эй нодон, қанча чиранма, сен тупроқдан яралгансан, бир куни яна ўша маконга кетарсан!

Навоий бобо бу фикрни халқона, содда бир лафз ила ифодалайди:

"Такаббурлик шайтон иши ва бийиклик (ўзини катта олиш) нодон иши".

Қуръони Каримдаги мана бу оят ҳар бир мўмин учун дастуриламал бўлса кошки эди. "Ер юзида гердайиб юрма. Албатта, сен ерни тешиб юборолмайсан ёки ўсиб, тоғлар билан ҳам тенг бўлолмайсан" ("Исро" сураси).

Шоирлар авлиёси Бобораҳим Машраб, "Ҳар дарахтнинг меваси кўп бўлса, боши ҳам келур" деганида нақадар ҳақли эди. Ёки ардоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзода "Саломларда бахтнинг атри бор" дея лутф қилганида нечоғлик самимий эди, доно эди.

Бас, шундоқ экан, нечун биз ерни миннат билан босамиз? Нимага бировларни оёқ учида кўрсатамиз, салом беришни эмас, ҳатто, алик олишни ҳам фарз деб билмаймиз? Нега ўткинчи мол-дунёмиз, омонат мартабамизни кўз-кўз қилиб, ғурурланамиз? Буниманинг оқибати? Жисми жонимизда хуруж қилаётган жиловсиз нафснинг ғолибиятими? Томирларимизда кезиб юргувчи "шайтони лаин"нинг ғалаёними?

Ҳа, шундоқ. Бу оламдаги жамики балоларнинг аввал боши ҳам, одамларни сарсон-саргардон этиб, тупроқ билан тенг қилгувчи иллат ҳам, дўстни душманга, туғғон-туғишганни етти ётга айлантиргувчи ҳам ана шу нафси аммора, яъни тийилмаган, тийиқсиз нафснинг оқибати! Шунинг учун ўтмишдаги улуғ аждодларимиз бизни нафснинг қутқусига учмасликка, таъмадин йироқ бўлишга, ҳаромдан ҳазар қилишга ундайди. Келинг, донишманд боболаримизнинг ўзларига сўз берайлик.

Аҳмад Яссавий:

*Нафс йўлиға кирган*
*киши расво бўлур,*
*Нафсни тепкил, нафсни*
*тепкил, эй бадкирдор!*

Алишер Навоий:

*Сенга йўқ нафсдек душман,*
*Қила олсанг, ани қил банд.*
*То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,*
*Эл шод ўлмас, мамлакат обод бўлмас.*

Сўфи Оллоёр:

*Қолибсан танга деб*
*аҳволи тангга,*
*Машаққатлар бошингда*
*рангга-рангга.*
*Тилангандан ортиқ*
*тилинган,*
*Кўмилган телмуриб*
*турғондин ортиқ.*

Яъни, бировнинг қўлига қараб таъма кутгунча, тилка-пора бўлганинг афзал, демоқчи шоир.

Бу сирли олам сингари маънавий камолотнинг ҳам поёни йўқ. Кимки ички дунёсини яхши хулқлар билан безаб, одамийлик шевасига риоя қилиб яшаса, у бахтлидир. Зеро, Навоий бобо айтмоқчи, малоҳатдур ҳусни одамзот.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ПИЛЛА – 2012

# ОЗУҚА ЕТАРЛИ, ҲОСИЛ МЎЛ

**Оққўрғон туманида кейинги йилларда ипак қурти озуқа манбаи – тутзорларни кенгайтириш, якка тартибда тут кўчати экиш ҳисобига умумий тутзорлар 342 гектарга етди ва якка тутлар 150 минг тупдан ошди. Яратилаётган бундай мустаҳкам озуқа захираси "кумуш тола" сифатли ва мўл бўлишини таъминламоқда.**



– Бу йил 140 тонна пилла етиштириш режалаштирилиб, 2580 қути қурт парвариш қилинди, – дейди туман "Пилла" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акбар Раимқулов. – Мақсадимиз ҳар қутидан ўртача 60 килограммдан сифатли ҳосил олиш. Шунга асосланиб 362 фермер хўжалиги билан шартнома имзоланган. Айни пайтгача ўндан ортиқ фермерларимиз шартнома режасини ортиғи билан бажаришди.

**СУРАТДА:** пиллакорлар Шарофат Бойтўраева, Абдуғани Сариқулов, лаборант Камола Турғунбоева.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**


**«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, 21.05.2012 йилдаги 4346/12-сонли ижро хужжатига асосан, Ангрен шаҳар ИИБ "Бўстон" жарима майдончасида сақланаётган, "Ласетти SX B3" русумли, д/р 10L365CA бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 29 256 650 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 3 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 29 июнь куни соат 18.00.

II. Шунингдек, 2012 йил 19 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдоларига такроран Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Зангиота тумани "Кўк-терак матлубот инвест" МЧЖ омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситлари қўйилмоқда: 1. "Уаз-469" русумли, д/р 11O6428 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро хужжати 28.05.2012 йил, №40506/11. Бошланғич баҳоси – 1 195 200 сўм. 2. "Газ-24" русумли, д/р 10G9830 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.05.2012 йил, №10/12. Бошланғич баҳоси – 348 300 сўм.

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 15 июнь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Гувоҳнома № 006231.


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ



# ЁШЛАР ИШГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

**Оҳангарон туман ҳокимлиги иш билан банд бўлмаган аҳоли, касб-ҳунар коллежларини битирувчилар ҳамда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар учун навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этди.**



Тумандаги 55 дан зиёд майда-йирик корхона, ташкилот ва муассаса 420 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Шунингдек, ярмаркага 450 иш изловчи ташриф буюрди. Улардан 130 нафари хотин-қизлар, 290 нафари ёшлар бўлиб, жумладан 150 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Ярмаркада қизғин давом этган музокаралар якунида 55 хотин-қиз ва 120 нафар ёшлар, жумладан, 20 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари муқим ишга жойлашганлиги ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, ярмарка давомида 210 иш изловчи – 60 нафар хотин-қиз ва 150 нафар ёшлар, жумладан, 20 нафар коллеж битирувчиларига йўлланмалар берилди. Шунингдек, 120 иш изловчи янги ва қўшимча касб-ҳунар ўрганиш ҳамда малака ошириш юзасидан фойдали маслаҳатлар олди.

– Корхонамиз ишлаб чиқариш қувватини йилдан-йилга ошириб, фаолият доирасини кенгайтирмоқда, – деди ярмаркада иштирок этган "Оҳангарон Зомин қурилиш" ғишт заводи технологи Рустам Иброҳимов. – Бизга малакали ишчилар ҳар доим керак. Кўпроқ маҳаллий ёшларни корхонамизга жалб этишдан манфаатдормиз. Чунки, бугунги ёшлар меҳнат жараёнида маҳоратларини ошира бориб, келажакда корхонамизнинг асосий таянч кучларига айланадилар. Шуни назарда тутиб, ярмаркада 20 нафар ёшларни ишга қабул қилдик. Уларнинг 12 нафари хотин-қизлардир.

– Меҳнат ярмаркалари қанча кўп ўтказилса, шунча фойдали, – дейди туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими Г. Расулова. – Зеро, бу тадбир икки томонлама наф беради. Энг муҳими – ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битирувчилар муқим иш ўринларига эга бўлишади. Иккинчидан, ишсизлик муаммоси бартараф этилиб, бандлик дастурлари изчил амалга ошириб борилади.

**Ўз мухбиримиз.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш учун ихтисослаштирилган Фондни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон ва "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон Қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида инвестицион лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

*ариза (намуна бўйича);*
*инвестиция таклифи (намуна бўйича);*
*инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).*

Батафсил маълумот учун: Тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08; web-site: www.ffpd.uz; e-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Ассатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари Ассоциацияси биноси, 15-қават.

Мўлжал: "Истиқлол" санъат саройи, "Бунёдкор" метро бекати.

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
______________________________

2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
______________________________
______________________________

3. ______________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– Инвестиция таклифи;
– Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________ / ______________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар)-нинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Базасида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолия тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслари билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш – янги қурилиш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони: | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида: | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Паркент тумани СИБ томонидан такроран 03.08.2011 й. № 1-441-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент қишлоғида жойлашган қўй қўраси бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 17 500 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 18 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 24.10.2011 й., № 10-1008-14531-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Авайхон бозори ҳудудида жойлашган савдо дўкони қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 3 июнь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 18 июль куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳри, "Ипотека банк"нинг АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги ва Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 14 мартдаги ҳукмларига, 2010 йил 1 июндаги 16235/17-сонли, 2011 йил 14 мартдаги 19184/17-сонли ва 2011 йил 25 апрелдаги 11415/17-сонли ижро варақаларига асосан давлат даромадига ўтказилган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Бошланғич нархи – 71 760 304 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мудофаачилар кўчасида жойлашган, умумий майдони 158,85 кв.м бўлган, 6 та яшаш хонаси, ошхона, айвон, ертўла, ҳожатхона, болохона, 2 та бостирма, очиқ айвон ва бостирмадан иборат 60-уй.

2. Бошланғич нархи – 48 033 900 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 4-даҳа, 23-уйда жойлашган, умумий майдони 58,21 кв.м бўлган, 2 та яшаш хонаси, ошхона, ҳаммом, ҳожатхона, айвондан иборат 13-хонадон.

3. Бошланғич нархи – 674 563 602 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчасида жойлашган, умумий майдони 557,63 кв.м бўлган, 8 та яшаш хонаси, дахлиз, ошхона, 3 та ҳаммом, йўлак, ҳожатхона, 2 та холл, 2 та ер тўла, 2 та соябондан иборат 7-уй.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Утерянные документы: Устав, Учредительный договор, изменения к Уставу, изменения к Учредительному договору, Гувохнома № 005423 реестр. № 005423-03 от 16.09.2011г., выданную хокимиятом Мирабадского района на ООО "TA`LIM-MASLAHAT",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Утерянные документы: Устав, Учредительный договор, изменения к Уставу, изменения к Учредительному договору, Гувохнома 004151 реестр. № 004151-3 от 16.10.2009г., выданную хокимиятом Мирабадского района на ООО "NE`MAT BAHOLASH",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Насырова Гульчехра Шукурилловна номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный угловой штамп ООО "LADA INVEST", зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Мирабадского района за № 002810 от 15.10.2007г.,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянные документы: Устав, Учредительный договор, Гувохнома ОО "PSK BINOKOR ES", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента реестр. № 006437-11 от 19.01.2012г., (ИНН 205352993), расположенного по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуф Хос Хожиб, 32/5,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

"AL-VORIS SERVIS" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг ҳуқуқий меросхўри бўлиб, унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор-3-17 манзилида жойлашган (СТИР 301846401) "MONTERREY ASIA FOOD" хусусий корхонасининг (мулкдорнинг 01.06.2012 йилдаги қарорига асосан) мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади. Тел.: 260-43-69.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган, Глинка кўчаси, 6-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган (СТИР 301802116) "NOVA TERRA GAS" масъулияти чекланган жамияти, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 6-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган (СТИР 301347760) "MORION GAZ" масъулияти чекланган жамияти таркибига тўлиқ бирлаштирилишини маълум қилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида 158-61-25 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 13.07.2010 йилда реестр рақами 000909-02 (ИНН 301657921) билан рўйхатдан ўтган "TWINS TEXTILE PRODUCTION" шўъба корхонасига тегишли бўлган бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 19.08.2010 йилда реестр рақами 001552-01 (ИНН 300447700) билан қайта рўйхатдан ўтган "FAVORIT PLAST LUXE" масъулияти чекланган жамиятининг номи "AGRO PROM STORY PERLIT" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

ООО "ETUAL DDM" (ИНН 204721004), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского района г. Ташкента (за реестр. № 000077-08 от 19.11.2003г.), расположенное по адресу: Чиланзарский район, 1-квартал, дом 65, кв. 39, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (основание: Протокол учредителей № 4 от 28.05.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.


UZTELECOM

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

*Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!*

Тезкор ва маълумот хизматлари телефон рақамларини Халқаро стандартлар талабига мослаштириш мақсадида, хозирги мавжуд рақамларни янгиларига алмаштирилиши назарда тутилмоқда. Алмаштириш даври мобайнида маълумот-сўров хизматлари билан “0“ орқали уланганидек, “1” рақами орқали ҳам уланиш мумкин.

- **«01»** (ёнғин хавфсизлиги хизмати) – **«101»**
- **«02»** (милиция) – **«102»**
- **«03»** (тез тиббий ёрдам) – **«103»**
- **«04»** (газ хизмати) – **«104»**
- **«050»** (қутқарув хизмати) – **«1050»**
- **«0xx»** (бошқа хизматлар) – **«10xx»**

**Маълумот учун телефон: 200-31-31**


## «SPARETRA» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 19.05.2008 й., № 2777-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1984 й. "Москвич 412", д/р. 11 V 6328 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 738 930.93 сўм. Юқорида кўрсатилган мулк Олмалиқ шаҳри, Қурама 276 да сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 3 июль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 18 июль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

## XXI аср ва дунё

**Канада полицияси одам ўлдириб, танани бўлакларга бўлиб, маҳаллий сиёсатчиларга жўнатаётган биринчи гумондор шахс номини ошкор қилди.**

### ҚУРБОННИНГ ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА



Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари 29 ёшли Луки Рокко Моньоттини ҳибсга олишга ордер берди. Полиция сайтида хабар қилинишича, ҳозир гумондор қидирилмоқда. У, шунингдек, Эрик Клинтон Ньюман ва Владимир Романов исм-шарифлари билан ҳам машҳур. The Montreal Gazetteнинг ёзишича, у Монреалда порноюлдуз бобида машҳурликка эришишга ҳаракат қилган.

СВСнинг маълум қилишича, Маньотти 2005 йилда фирибгарликда айбланиб, бир йил синов муддатига ҳукм қилинган. Шунингдек, полиция унинг ашаддий қотил Карл Хомолк билан алоқаси бор-йўқлигини аниқламоқда.

Ушбу тергов иши Консерватив партиянинг Оттавадаги офисига одамнинг кесилган товони юборилганидан сўнг бошланди. Кейинчалик яна бир посилка қутисидан кесилган қўл ҳам топилди. Ҳозир полиция жасаднинг қолган қисмларини ҳам изламоқда. Улар топилса, қурбоннинг шахсини аниқлаш имкони туғилади.



### ИККИНЧИ «ҚОРА ҚУТИ» ТОПИЛДИ

**Индонезия қутқарувчилари Россиянинг ҳалокатга учраган Sukhoi SuperJet-100 самолёти бортидаги иккинчи "қора қути"ни топганлари ҳақида хабар тарқатди РИА Новости агентлиги.**

Қидирув гуруҳи вакилининг сўзларига қараганда, овоз ёзувчи аппаратнинг ташқи қиёфаси яхши, у куймаган. "Сухой фуқаро самолётлари" авиакомпанияси ҳам иккинчи "қора қути" топилгани ҳақидаги хабарни тасдиқлади.

SSI-100 бортидаги овоз ёзувчи асбоб 16 май куни топилганди. У парвознинг сўнгги икки соати давомидаги учувчилар кабинасида бўлиб ўтган сўзлашувларни ёзиб, сақлаб қолган. Ёзувни ўқиш учун мутахассислар Москвадан Жакартага учиб кетишди.

Россиянинг ушбу самолёти 9 май куни Индонезиядаги кўргазмали парвоз чоғида ҳалокатга учраганди. Авиаҳалокат туфайли самолёт бортидаги 45 киши, жумладан, 8 россиялик, 35 индонезиялик, бир француз ва бир америкалик фуқаро ҳалок бўлган.

### БАҒДОДДАГИ ПОРТЛАШ

**Бағдод шаҳрида рўй берган портлаш оқибатида йигирмага яқин одам ҳаётдан кўз юмди ва ўттиздан ортиқ киши оғир жароҳатланди.**



Маҳаллий полициянинг берган маълумотларига қараганда, бахтсиз ҳодисага одамлар билан гавжум бозорда портлаш мосламаси ўрнатилган автомобилнинг портлатиб юборилгани сабаб бўлган. Фожиа оқибатида бозор яқинидаги савдо марказлари ва иншоотларга катта зиён етган.

### 467 КАРАТГА ТЕНГ ОЛМОС

**Жанубий Африка Республикасида оғирлиги 467 каратга тенг олмос топилди. Хабарларга қараганда, ушбу олмос катталиги бўйича дунёда йигирманчи ўринда туради.**



Маълумотларга қараганда, шунга ўхшаш топилма Африкада 1905 йилда аниқланган. Ўша тошнинг оғирлиги 3106 каратга тенг бўлиб, дунёдаги энг катта олмослар сирасига киради. Буюк Британия империясининг қироллик тожи ана шундай қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

### БЕШ МИНГ ЙИЛЛИК РАСМЛАР

**Миср тоғ дараларининг биридан қояга ўйиб солинган расмлар топилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу расмлар беш минг йил аввал чизилган.**

Ғор деворларида йирик ва майда шохли моллар, оҳулар ва бошқа кўплаб ҳайвонлар тасвирланган.



### САВДО МАРКАЗИДА КУЧЛИ ЁНҒИН

**Қатар бош прокурори Али Бин Фетаис ал-Мари 28 май куни Villagio Mall савдо-кўнгилочиш марказида юз берган ёнғин муносабати билан беш кишини ҳибсга олишни талаб қилди.**

"Ал-Жазира"нинг маълум қилишича, ёнғин 19 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Қўлга олинганлар – савдо-кўнгилочиш маркази ҳамда унинг ҳудудидаги болалар хоналари эгалари, шунингдек, Villagio Mall маъмурияти вакиллари: бошқарувчи, унинг ўринбосари ва хавфсизлик бўйича директор. Уларнинг исм-шарифлари ошкор қилинмаяпти. Associated Pressнинг аниқлик киритишича, уларга айб қўйиш ҳақида ҳам қарор қабул қилингани йўқ.



Дастлабки гувоҳликларга кўра, ўт ўчирувчилар қуюқ тутун ҳамда бино чизмасига эга бўлмаганлари боис болалар ва ўқитувчилар хоналарини топиб боришлари қийин кечган. Бунинг устига бинодаги ўт ўчириш тизими узилишлар билан ишлаган.

Ёнғинда ҳалок бўлганларнинг 13 нафари, жумладан, Испания, Франция, Янги зеландиялик болалар. Шунингдек, ёнғинни ўчириш жараёнида икки қутқарувчи ҳам ҳалок бўлган. Associated Pressнинг таъкидлашига қараганда, қурбон бўлган болалар орасида чет элликларнинг кўплигига сабаб шуки, Қатар аҳолисининг 75 фоизи мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида ишлаётган хорижликлардир.

### НОНУШТАГА ДЕНГИЗ МОЛЛЮСКАЛАРИ

**Аргентинадаги мактабларда ўқувчилар нонуштасига денгиз моллюскалари тортилиши йўлга қўйилди.**

Шифокорларнинг сўзларига кўра, бундан кўзланган асосий мақсад болалар организмини ёғ босиши оқибатида юзага келадиган касалликларнинг олдини олишдан иборат.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, тўйимли, бироқ калорияси паст денгиз моллюскалари ўқувчиларга манзур бўлса, кейинчалик бундай нонушта мамлакатнинг барча мактабларида жорий қилинади.

### СУВ ЎТИДАН КИЙИМ

**Тайландда тиббиётда ва пазандаликда кенг қўлланиладиган сув ўтларидан турли кийимлар тайёрлаш йўлга қўйилди.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, бундай либослар инсон саломатлигига хавф солувчи ультрабинафша нурларидан тўлиқ ҳимоя қилиш хусусиятига эга. Бу эса тери саратони хасталигига чалинишнинг олдини олади.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган мазкур кийимлар кўп маротаба ювилганда ҳам оҳорини йўқотмайди. Уларни ишлаб чиқаришда муайян миқдорда пахта толасидан ҳам фойдаланилади.

**ЎзА ва интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

**Бекобод шаҳрида вояга етмаган қизлар ўртасида жиноятчилик, эрта турмушга чиқиш, қариндошлар ўртасида никоҳларнинг олдини олиш, ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш, бу борадаги билимларини янада бойитиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**




# ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда ФХДЁ бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билимини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

– Давра суҳбатида ўқув муассасаларида ёшлар тарбияси бўйича тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш яхши самара бериши қайд этилди, – дейди Бекобод шаҳар акушерлик комплекси шифокори Н. Отажонова. – Тадбирда мутахассислар томонидан ўсмир қизларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишини таъминлаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, бу борадаги билим ва тушунчаларини бойитиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

■ МУНОСАБАТ

# ТУЗИНИ ЕБ...

**Бағри кенг халқимизнинг эзгуликка чорловчи мақол, маталлари кўп. Алҳол, ҳар ким ўзидан келиб чиқиб сўзлайди. "Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер" ёки "Ватанинг – отанг-онанг", "Ёридан айрилган етти йил йиғлар, Ватандан айрилган етмиш йил...".**

Сени бир умр елкасида кўтариб катта қилган, ризқ-насиба берган она тупроқ, она Ватанни кўзга тўтиё қилмоқ – ҳар бир инсоннинг бурчи. Аммо, бундай фазилатлардан мосуво, манқурт кимсалар ҳам бор орамизда. Куни кеча телевидение орқали кўрсатилган ватангадо Муҳаммадсолиҳ Абутовнинг қилмишлари нонкўрликдан бошқа нарса эмас, деб ўйлайман. Дин ниқоби остида ўз қавми, ота-онаси, Ватанидан ҳам воз кечадиган бундай кимсаларни нима деб аташ мумкин?! "Худонинг уйи" деб аталувчи масжидда бузғунчиликка бошловчи ёт ғояларни ёшлар онгига сингдириб, тинч-осуда ҳаётга рахна солаётган бағритошлар бир кун келиб халқ қарғишига учраши муқаррар.

**Ҳабиба ҲАСАНОВА,**
**Оҳангарон тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.**

■ ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ИЗТИРОБ

Иродаси суст одам ҳамиша нафсига қул бўлган. Тарихга назар ташлайсизми, ё бугунги кунимиздан излайсизми, инсоннинг аксарият хато ва камчиликлари нафсига эрк бериши, унинг измидан чиқолмаслиги оқибатида юз беришига тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам мисоллар оз эмас. Акс ҳолда бир қавмдан бўлган одамлар бир-бирини чет элга сотиб юбориб, шунинг орқасидан тирикчилик ўтказармиди, инсонлигини унутиб, бундай разил ишга қўл урармиди?

Анваржон Ҳақулов ҳам афтидан, ўзи қўл урган бундай қабиҳликни ҳеч ким сезмайди, ҳеч ким суриштирмайди, чора кўрмайди, деб ўйлаган чоғи. Акс ҳолда имон ва виждонни қўя туринг, ҳеч бўлмаса қонун олдида жавоб бериб, жазоланиши мумкинлигини ўйлаб, ўзини тийган бўлармиди.

Гап шундаки, Анваржон Ҳақуловнинг суд мажлисида берган кўрсатмасидан маълум бўлишича, у бир неча йиллардан буён Қозоғистон Республикасида пул топиш мақсадида ишлади. Сержан исмли хўжайини уни қўлидаги ишчиларга бош қилиб қўйган. Анваржоннинг вазифаси одамларни ишга қўйиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат бўлди.

Хўш, шунчаки пул топиш учун қўшни давлатга бориб ишлаётган бўлса, нима учун судланяпти, деган савол туғилиши табиий.

Суд ҳужжатларида кўрсатилишича, Анваржон Ҳақулов одамлардан фойдаланиш мақсадида Гулзода Азизова, шунингдек, тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Нурлан", "Сем", "Сержан" ва яна бир ёши 25 ларда бўлган ўзбек миллатига мансуб номаълум шахс билан олдиндан жиноий тил бириктирди. Буни жиноий тўда дейиш ҳам мумкин, албатта.

Ушбу гуруҳ 2010 йил 30 март куни оққўрғонлик Соибжон Исаматов, Шаҳобиддин Шайдалиев, Нодира Сарибоева, Алиберди Маматов, Марҳабо Абдураззоқова ва эндигина 18 ёшни қаршилаган, оқ-қоранинг, яхши-ёмоннинг фарқини ҳали унчалик ажрата олмайдиган Нодира Абдураззоқовани алдаб, ойига 200 минг сўмдан ойлик ваъда қилиб, Қозоғистон Республикаси далаларида ишлашга ёллашди.

Дастлаб Гулзода Азизова ўз ҳисобидан харажат қилиб, жабрланувчиларни Зангиота (аввалги Тошкент) тумани Ғиштқўприк чегара пости ёнидаги айланма йўл орқали, белгиланган тартибни бузиб, чегарадан ноқонуний равишда қўшни давлатга олиб ўтди. У ерда юқорида айтганимиз Нурлан исмли номаълум шахсга уларни 370 минг сўмга пуллаб юборди. Аммо, бу ҳақда сотилувчиларга ломмим демади. Нурлан эса уларни Анваржон Ҳақулов ва унинг шериклари Сем ва Сержан исмли шахсларга ҳар бирини 10 минг қозоқ тангасига сотди. Жабрланувчилар эса зўравонлар қўлида гоҳ қурилиш, гоҳи далада ҳолдан тойиб ишлашди. Кимдир эътироз билдиргудек бўлса, Анваржон ва Сержан уларга "Биз сизларни ишлатиш мақсадида сотиб олганмиз, бизга ишлатиш учун одам топиб берасизлар" деб, иш ҳақларини бермай, уларнинг меҳнатларидан ўз манфаатлари йўлида ғайриқонуний фойдаландилар. Бунинг устига уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини ҳам олиб қўйдилар.

Ачинарли жиҳати шундаки, Нодира Сарибоевани гаровда олиб қолиб, Соибжон Исаметов ва Алиберди Маматовни ишлатиш учун одам олиб келиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудига яна ноқонуний йўл билан ўтказиб юборадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг саъй-ҳаракатлари сабабли ўз оёғи билан Ўзбекистонга келиб қолган Анваржон Ҳақулов қўлга олинди, унинг айби суд жараёнидаги гувоҳлар берган кўргазмалар ва далил исботлар билан тасдиқланди. У қилмишига яраша қонун олдида жавоб берадиган бўлди. Адолат қарор топди.

Аммо, кишини бир нарса ўйлантиради. Ҳавойи нафсларига қул бўлиб, ўзга юртнинг ялоғини орзу қилган жабрланувчилар наҳотки, шу қадар лақма бўлсалар?! Ахир, улар ваъда қилаётган 200 минг сўмдан ўн баробар кўпроғини юртимизда тинч-хотиржам меҳнат қилиб топиш мумкин-ку. Давлатимиз, ҳукуматимиз хусусий тадбиркорликка, оилавий бизнесга кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Фақат сизу биздан талаб қилинадигани – ақлни ишлатиб, бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш.

Афсуски, қулликни ўзига раво кўриб, арзимас чақага алданиб, ўзгалар қўлида хор-зор бўлиб юрган айрим юртдошларимиз бундай мулоҳазаларни хаёлларига ҳам келтиришмаяпти.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

■ БИЛАСИЗМИ?

### Электр автомобиллар

**Япониянинг "Ниссан мотор" корпорацияси электр автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.**

Хабарларга қараганда, "e-NV200" русумдаги ушбу машиналарни тайёрлаш 2013 йилга бориб амалга оширилади. "Ниссан мотор" вакилларининг сўзларига кўра, янги турдаги бундай машиналарни ишлаб чиқаришда экологик тоза батареялардан фойдаланилади.

### Водород ишлаб чиқаришнинг янги усули

**Америкалик олимлар водород ишлаб чиқарадиган ускуна яратди.**

Кремний, кобальт ва никель каби материаллардан тайёрланган ушбу кичик ускуна сув тўлдирилган идишга солинади ҳамда қуёш нури ёрдамида сувни водород ва кислородга ажратади. Маълумотларга кўра, атроф-муҳитга нисбатан кам зарар етказадиган ушбу технология ёрдамида ҳосил бўлган моддадан электр токини олишда фойдаланиш мумкин.

**ЎзА.**

**ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 февралдаги 55-сонли қарорига асосан, 2012 йилнинг 5-6 июнь кунлари "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг "Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси Республика Маркази" ОАЖ павильонида (Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй) Тошкент вилоятининг Ҳудудий саноат ярмаркаси ўтказилади.**

Мазкур ярмаркада вилоятдаги саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишлари таклиф этилади.

Шунингдек, корхоналар, тадбиркорлар ва савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш учун Сизларни Ҳудудий саноат ярмаркасига лутфан таклиф этамиз.

Маълумот учун телефонлар: 233-66-11, 236-29-10.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали 2012 йилда Ангрен, Ғазалкент, Паркент, Пискент, Оҳангарон, Чиноз ва Янгибозор Телекоммуникация боғламаларида "UZTELECOM" савдо офисларини ташкил этиш мақсадида таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан

**ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танловда иштирок этиш юзасидан сўровномалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 5 (беш) кун давомида қабул қилинади.

**Танловда иштирок этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш шартлари юзасидан тўлиқ маълумот олиш учун:**

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали Маркетинг бўлимига мурожаат этилсин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уй.

Тел.: 259-70-31, 259-70-41. Факс: 259-70-45.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 25.03.2005 йилда реестр рақами 000608-01 (ИНН 205560839) билан рўйхатдан ўтган "ORIGINAL GRAND PLAST" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 1818826500 сўмдан 1678826500 сўмга камайганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 23.02.2011 йилда рўйхатдан ўтган, гувоҳнома рақами № 005557 (ИНН 301858995) бўлган "QALANDAR QURBONOV" масъулияти чекланган жамиятга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор туманидаги "CHERNOBIL O`ZARO ISHTIMOIY YORDAM JAMG`ARMASINING OLMAZOR TUMANI BO`LIMI QOSHIDAGI UMID MONTAJ QURUVCHI SHO`BA KORXONASI"нинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан якка тартибдаги тадбиркор Умарова Шахло (ИНН 491060122) номига берилган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную гувохному № 08-00546 (реестр. № 0801789) от 18.07.2005г. (ИНН 475773642), выданную отделом по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента на имя ЧП "TSAY VIKTOR YUR`EVICh",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-642. Адади 12287. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 12345